300409-1

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2009 йил 10 апрель, № 73 (4736) Жума

СОҲИБҚИРОНГА ЭҲТИРОМ

Мамлакатимизда Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 673 йиллиги кенг нишонланмоқда. Кеча ушбу қутлуғ сана муносабати билан пойтахтимиздаги Амир Темур хиёбонида бўлиб ўтган тадбирда турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, юртимиздаги хорижий дипломатик корпус вакиллари, шоир ва ёзувчилар, олимлар, талаба-ёшлар иштирок этди.



Тадбирда Ўзбекистон халқ ёзувчиси, халқаро Амир Темур жамғармаси раиси Муҳаммад Али, Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Маттиас Майер, Тошкент Кимё-технология институтининг Ўзбекистон тарихи ва сиёсий фанлар кафедраси мудири, тарих фанлари доктори Шоҳиста Ўлжаева сўзга чиқиб, истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ўзбек халқининг миллий қадриятларини, улуғ аждодларимизнинг номларини тиклаш, ибратли ҳаёти ҳамда фаолиятини кенг ва атрофлича ўрганиш, тадқиқ этиш борасида амалга оширилаётган ишларнинг беқиёс самарасини эътироф этдилар. Таъкидланганидек, хусусан, шу йўлдаги хайрли ишлар натижасида Амир Темурнинг ҳаёти, фаолияти, маънавий мероси юртимиз ва дунё олимлари томонидан холисона тадқиқ этилмоқда.

— Аксарият Европа давлатларида Амир Темур номи "Европа халоскори" деган фахрли эътироф билан тилга олинади, — дейди Германиянинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси М. Майер. — Бугун ана шу ҳақли эътирофга Соҳибқироннинг бунёдкорлик, яратувчанлик борасидаги улкан ишлари ҳам қўшилди. Зеро, Амир Темурнинг ўзи барпо этган салтанатда амалга оширган ободончилик ва бунёдкорлик тадбирлари унинг юксак дид соҳиби эканлигига яққол мисолдир.

Тантана қатнашчилари Амир Темур ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйишди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Р. Қосимов, Тошкент шаҳар ҳокими А. Тўхтаев иштирок этди.

* * *

Шу куни Темурийлар тарихи Давлат музейида «Соҳибқирон улуғлаган қадриятлар ва истиқлол маънавияти» мавзуида давра суҳбати ҳамда ушбу тадбир доирасида бадиий кўргазма намойиши бўлиб ўтди.

Ф. БЎТАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ҳ. ПАЙДОЕВ
олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Президентимиз Ислом Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" китоби ва 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури мазмун-моҳиятини ўрганишга бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

ПРЕЗИДЕНТ АСАРИНИ ЎРГАНИШГА БАҒИШЛАНДИ

Унда академия профессор-ўқитувчилари, тингловчилари, иқтисодчи олим ва мутахассислар иштирок этди.

Мазкур академия ректори Қ. Назаров, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети проректори Н. Жумаев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизни демократик янгилаш, барқарор иқтисодий тараққиётни таъминлаш ва халқимиз турмуш фаровонлигини муттасил юксалтириб бориш йўлида босқичма-босқич, изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бераётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" асарида ушбу муаммонинг келиб чиқиш сабаблари, оқибатлари ва унинг мамлакатимиз иқтисодиётига таъсирини бартараф этиш йўллари белгилаб берилган.

Шу маънода идора ва ташкилотларда, таълим муассасаларида асарни чуқур ўрганиш, бу жараёнларни жамоатчиликка кенгроқ таништириш муҳим аҳамиятга эгадир. Академияда асарни ўрганиш бўйича мунтазам фаолият кўрсатувчи семинар ташкил этилган, чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, ўқув амалиётига жорий қилинмоқда.

Тадбирда сўзга чиққанлар Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг ўзбек модели нақадар узоқни кўзлагани ва теран ишлаб чиқилгани бугунги кунда яна бир бор ўз исботини топаётганига алоҳида эътибор қаратди. Мамлакатимизда қисқа муддатда Инқирозга қарши чоралар дастури ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилаётгани, бунда банк тизимини қўллаб-қувватлаш, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий мослашувчан юқори технологияларни кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратилаётгани илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этилди.

Очиқ мулоқот ва савол-жавоб тарзида ўтган анжуман иштирокчилари Инқирозга қарши чоралар дастурининг самарали ижросини таъминлаш долзарб вазифа эканлигига, бу жараёнда, айниқса, ёш раҳбар ходимлар масъулиятини ошириш муҳим аҳамият касб этишига алоҳида эътибор қаратдилар. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан сўнг Ўзбекистон иқтисодиётининг янада кучли, барқарор ва мутаносиб ҳолда майдонга чиқиши, жаҳон бозорларида ўзимизнинг мустаҳкам ўрнимизни эгаллаш, шу асосида изчил иқтисодий ўсишни таъминлаш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини янада ошириш устувор вазифалардан экани қайд этилди.

Анжуманда Президентимиз Ислом Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" асари асосида раҳбар кадрлар учун ўқув қўлланмалари, рисолалар ва бошқа ёрдамчи материаллар тайёрлашни янада такомиллаштириш юзасидан тегишли вазифалар белгилаб олинди.

Тадбир доирасида моддий ва маънавий қадриятлар уйғунлигига оид янги китобларнинг тақдимоти ҳам бўлиб ўтди.

Олим ТЎРАҚУЛОВ,
ЎзА мухбири.

«КЕЛАЖАК ОВОЗИ»НИНГ ТАШАББУСИ

Қашқадарё вилоятида ёшларни иш билан таъминлашга кўмаклашувчи марказ иш бошлади.

"Келажак овози" ёшлар ташаббуслари марказининг вилоят бўлими ҳузуридаги бу жамоат ташкилоти корхона ва муассасалардаги бўш иш ўринларига олий ўқув юртлари ҳамда коллежларни битираётган ёшларни жалб қилиш билан шуғулланади. Ёшлар марказида ўтказилган дастлабки давра суҳбатида вилоятдаги йирик корхона ва ташкилотлар ҳамда олий ўқув юртлари вакиллари иштирок этди. Улар ўртасида ўқув юртларини жорий йилда тамомлаётган ёшларни иш билан таъминлаш борасида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш юзасидан шартномалар имзоланди.

Шунингдек, марказда "Ахборот технологиялари", "Хорижий тилларни ўрганиш усуллари", "Иқтисодий ва ижтимоий билимларни ошириш" йўналишлари бўйича семинар-тренинглар ҳам ташкил этилди. Унда вилоят ёшларининг билим ва ташаббускорлигини оширишнинг таъсирчан ҳамда самарали йўллари хусусида сўз борди.

Б. НОРҚОБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

СОҒЛОМ ТУРМУШ — САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Термиз шаҳрида аёлларнинг репродуктив саломатлигини яхшилаш, ўсиб келаётган авлод соғлиғини мустаҳкамлаш ва оилавий тиббий маданиятни юксалтириш бўйича амалга оширилаётган тадбирларнинг самарадорлигини ошириш мавзуида йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда шаҳар ва туман ҳокимларининг ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича ўринбосарлари, хотин-қизлар қўмиталари раислари, тиббиёт бирлашмалари бош врачлари ҳамда қишлоқ врачлик пунктлари мудирлари, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш бўлими мудиралари, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом оилаларни шакллантириш, ирсий касалликлар билан туғилишнинг олдини олиш, ҳар тарафлама соғлом авлодни вояга етказиш йўлида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу мақсадда никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш йўлга қўйилгани, репродуктив касалликлар ва қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатларини ёшлар онгига чуқурроқ сингдириш учун таълим муассасаларида махсус дарс соатлари жорий қилингани, маҳалла фуқаролар йиғинларида семинар ва учрашувлар ташкил этилаётгани диққатга сазовор. Бу соҳада олиб борилаётган ишлар қўламини кенгайтиришда давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони муҳим дастуриламал бўлаётир.

(Давоми 2-бетда).

Қирқиш чизиғи

тининг қиймати тўғрисидаги хулосасини судга тақдим этади»;

8) **19 – 21-моддалар** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«19-модда. Баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Баҳоловчи ташкилот шартномани бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида буюртмачига зарар етказилганлиги учун унинг олдида жавобгар бўлади. Буюртмачига етказилган зарарнинг, шу жумладан бой берилган фойданинг ўрни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, баҳоловчи ташкилот томонидан қопланиши керак.

Баҳоловчи баҳолаш объектини баҳолашни сифатсиз ўтказганлиги ёки лозим даражада ўтказмаганлиги, махфий маълумотларни ошкор этганлиги натижасида етказилган зарар ёки баҳоловчи ташкилотнинг зарар кўришига олиб келган бошқа хатти-ҳаракатлар учун баҳоловчи ташкилот олдида қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

20-модда. Баҳоловчи ташкилотларнинг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш

Баҳоловчи ташкилотларнинг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

21-модда. Баҳоловчи ташкилотларнинг ва баҳоловчиларнинг бирлашмалари

Баҳоловчи ташкилотлар ва баҳоловчилар ўз манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда ифода этиш мақсадида уюшмаларга (иттифоқларга) ва бошқа бирлашмаларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бирлашиши мумкин».

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2009 йил 9 апрель
№ ЎРҚ — 208

Буклаш чизиғи

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

«Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари
2009 йил

Қирқиш чизиғи

суд ажрими баҳолаш объектини баҳолашдан ўтказиш учун асослардир.

13-модда. Баҳолаш объектини баҳолаш тўғрисидаги шартномага оид мажбурий талаблар

Баҳоловчи ташкилот ва буюртмачи ўртасидаги шартнома ёзма шаклда қонун ҳужжатларига мувофиқ тузилади.

Шартномада қуйидагилар кўрсатилиши керак:

баҳолаш объектининг номи;

баҳолаш объектини баҳолашнинг мақсади;

баҳолаш объектининг аниқланадиган қиймати тури;

баҳолаш объектини баҳолашдан ўтказиш муддати;

баҳолаш объектини баҳолашдан ўтказганлик учун пул мукофоти миқдори.

Шартномага баҳоловчи ташкилотда баҳолаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар ушбу лицензиянинг тартиб (рўйхатдан ўтказилганлик) рақами ва берилган санаси кўрсатилган ҳолда, шунингдек баҳоловчи ташкилотнинг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурталовчининг мажбуриятлари кучга кирганлигини тасдиқловчи суғурта полисининг мавжудлиги ҳақидаги маълумотлар киритилиши шарт.

Баҳолаш объектини баҳолашдан ўтказганлик учун пул мукофотининг миқдори шартномада белгилаб қўйилади ва у баҳолаш объекти қийматининг баланд-пастлигига боғлиқ бўлиши мумкин эмас.

14-модда. Баҳоловчи ташкилотнинг ҳуқуқлари

Баҳоловчи ташкилот қуйидаги ҳуқуқларга эга:

қонун ҳужжатларида белгиланган баҳолаш усулларини мустақил қўллаш;

баҳолаш объектини баҳолашдан ўтказиш учун зарур бўлган ҳужжатлардан фойдаланиш эркинлиги таъминланишини буюртмачидан талаб қилиш, ёзма шаклда тушунтиришлар ва қўшимча маълумотлар олиш;

баҳолаш объектини баҳолашдан ўтказиш учун зарур бўлган ахборотни учинчи шахслардан талаб қилиб олиш. Агар мазкур ахборотни беришнинг рад этилиши баҳолашнинг ишончлилигига жиддий таъсир этадиган бўлса, баҳоловчи буни баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда кўрсатиб ўтади;

баҳолаш объектларини баҳолашдан ўтказишда иштирок этишга бошқа баҳоловчиларни ва мутахассисларни белгиланган тартибда жалб этиш;

буюртмачи шартнома шартларини бузган ҳолларда баҳолаш объектини баҳолашдан ўтказишни рад этиш.

Баҳоловчи ташкилот қонун ҳужжатларига ва шартномага мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

15-модда. Баҳоловчи ташкилотнинг мажбуриятлари

Баҳоловчи ташкилот:

баҳолаш фаолиятини амалга оширишда қонун ҳужжатларида белгиланган лицензия талабларига ва шартларига риоя этиши;

Буклаш чизиғи

баҳолаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияни, баҳоловчининг (баҳоловчиларнинг) малака сертификатини шартнома тузилиши олдидан буюртмачининг талабига кўра кўрсатиши;

баҳолаш объектини баҳолашдан ўтказишда ушбу Қонуннинг 16-моддасида назарда тутилган, холисона баҳолашни ўтказишга тўсқинлик қиладиган ҳолатлар юзага келганлиги оқибатида ўзининг иштирок этиш имконияти йўқлиги тўғрисида буюртмачига хабар бериши;

буюртмачининг сўровномасига кўра баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари ҳақида ахборот тақдим этиши;

баҳолаш объектини баҳолашдан ўтказиш давомида олинадиган ҳужжатларнинг бут сақланишини таъминлаши;

баҳолаш объектини баҳолашдан ўтказиш давомида аниқланган зарар етказилганлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг бошқача тарзда бузилганлиги фактлари тўғрисида баҳолаш объекти мулкдорига ва (ёки) буюртмачига хабар бериши;

баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг нусхаси уч йил мобайнида сақланишини таъминлаши;

баҳолаш объектини баҳолашдан ўтказиш давомида буюртмачидан олинган маълумотларнинг махфийлигини таъминлаши;

баҳоловчиларнинг ҳар йили малака ошириш курсларида белгиланган тартибда ўқишини таъминлаши;

баҳоловчи ташкилотлар фаолиятининг рейтингини баҳолаш учун баҳоловчи ташкилотлар ва баҳоловчилар бирлашмаларининг сўровномасига кўра ахборот тақдим этиши шарт.

Баҳоловчи ташкилотнинг зиммасида қонун ҳужжатларига ва шартномага мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин»;

5) қуйидаги мазмундаги **15¹-модда** билан тўлдирилсин:

«15¹-модда. Баҳоловчи ташкилот томонидан кўрсатиладиган қўшимча профессионал хизматлар

Баҳоловчи ташкилот қуйидаги қўшимча профессионал хизматлар кўрсатиши мумкин:

баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботларнинг ишончлилигини экспертиза қилиш;

инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва таҳлил қилиш, бизнес-режалар тузиш;

баҳолаш жараёнини автоматлаштириш ва баҳолаш фаолиятига ахборот технологияларини жорий этиш;

баҳолаш фаолияти соҳасида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш ва уларнинг натижаларини тарқатиш.

Баҳоловчи ташкилот қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа қўшимча профессионал хизматлар ҳам кўрсатиши мумкин»;

6) **16** ва **17-моддалар** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

Маълумки, жаҳонда бошланган молиявий-иқтисодий инқироз бугун таҳликали вазиятни юзага келтирмоқда. Кўплаб мамлакатларда ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсиш суръатлари кескин пасайиб, корхоналар ўз фаолиятини тўхтатмоқда, ишсизлик даражаси ошиб бораётир. Шу боис жаҳон молия ва товар бозорлари ҳамда банк-молия тизимида барқарорликни таъминлаш, иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг ишлаб чиқариш суръатларини сақлаб қолиш ва банкрот бўлишининг олдини олиш йўллари изланмоқда.

ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТЛАРИ

Мамлакатимиз ҳам халқаро муносабатларнинг мустақил субъекти сифатида дунё давлатлари билан фаол халқаро молиявий-иқтисодий муносабатлар олиб бормоқда. Зеро, миллий манфаатларимиз йўлида жаҳон ва минтақавий иқтисодиётга интеграциялашув имкониятларидан самарали фойдаланиш стратегик йўналиш ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан, давлатимиз раҳбари 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида Ўзбекистонда жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлаган эди. Дарҳақиқат, ушбу Дастурда назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш молиявий-иқтисодий инқироз шароитида иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг барқарор фаолият юритишига замин яратади.

Иқтисодиётни таркибий қайта тузиш, унинг хом ашёга йўналтирилганлигини бартараф қилиш, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш ва мамлакат экспорт салоҳиятини оширишга доир чора-тадбирлар кўрилиши, ички ресурсларга таянган банк-молия тизимининг шакллантирилганлиги республикани жаҳон молия инқирозининг салбий таъсиридан ҳимоя қилмоқда. Қолаверса, бу борада салмоқли ва таъсирчан ҳуқуқий база яратилаётгани ҳам айни муддао бўлаётир. Хусусан, Президентимиз томонидан 2008 йил ноябрь ойида "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда "Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонлари, шунингдек, "Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармойиши қабул қилинди. Айнан шу ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни Олий Мажлис Сенатининг ўн саккизинчи йиғпи мажлисида сенаторлар томонидан муҳокама қилинди ва маъқулланди.

Президентимиз томонидан имзоланган ушбу Қонун билан амалдаги "Банкротлик тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги, "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги ҳамда "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги мамлакатимиз қонунларига бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган.

Дарҳақиқат, бугун юртимизда иқтисодиёт реал секторини ривожлантириш орқали инқироз таъсирини камайтириш юзасидан мақсадли саъй-ҳаракатлар қилинмоқда. Жумладан, реал секторни барқарорлаштиришга ҳисса қўшиши мумкин бўлган, лекин ишлаб чиқариш фаолиятини тўлақонли олиб бормаётган, банкрот деб эълон қилинган ишлаб чиқариш корхоналарини аукцион ва танлов савдоларида тижорат банкларига мулк сифатида сотиш амалга оширилмоқда. Банклар томонидан уларни молиявий соғломлаштириш, ишлаб чиқаришни тиклаш ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича инвестиция мажбуриятлари бажарилганидан кейин стра-

Қонун кучга кирди

тегик инвесторларга бозор қийматида сотиш ҳам кўзда тутилган. Шу боис амалдаги "Банкротлик тўғрисида"ги Қонуннинг "Қарздорнинг мол-мулкини сотиш" деб номланган 135-моддасига ва "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги Қонуннинг "Банк операциялари" номли 4-моддасига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 10 ноябрда қабул қилинган "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига кўра, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки акциядорлик тижорат "Микрокредитбанк"нинг устав капиталида иштирок этиши белгиланган. Таъкидлаш жоиз, амалдаги "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги Қонунда Марказий банк давлат-тижорат Халқ банкининг устав капиталидан ташқари бошқа тижорат банкларининг устав капиталида иштирок этиши назарда тутилмаган. Шу боис Марказий банк маблағлари ҳисобидан акциядорлик тижорат "Микрокредитбанк" устав капиталини шакллантириш учун амалдаги "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги Қонуннинг 4-моддасига қўшимча киритилди.

Ҳозирда юқорида номи зикр этилган Фармон асосида "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкининг устав капиталини 72 млрд. сўмга, яъни қарийб икки баробарга эди. Унга биноан, 2003 йилнинг 1 февралидан бошлаб очиқ акциядорлик жамиятлари устав капиталининг энг кам миқдори жамият рўйхатга олинган кунда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича 50 минг АҚШ долларига тенг миқдордаги суммани ташкил этиши белгиланган эди. Акциядорлик жамиятларини институционал мустаҳкамлаш ва ушбу соҳада босқичма-босқич олиб борилаётган сиёсатнинг давомийлигини таъминлаш мақсадида 2008 йил 18 ноябрда Президентимизнинг "Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Унга мувофиқ, 2009 йилнинг 1 январидан бошлаб янги ташкил этиладиган очиқ ва ёпиқ акциядорлик жамиятлари учун устав жамғармасининг энг кам миқдори жамият давлат томонидан рўйхатга олинган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича эквиваленти 400 минг АҚШ долларига тенг суммани ташкил этади. Шу боисдан амалдаги "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 20-моддасига акциядорлик жамиятларининг устав капитали 400 минг АҚШ долларига тенг эквивалент суммада бўлишини белгиловчи қоида киритилди. Мазкур норманинг белгиланиши иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг капиталлашув даражасини янада оширишга, уларнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш ва бошқарув механизмларини такомиллаштиришга имкон беради. Шунингдек, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш жараёнларига инвестициялар киритиш, маҳаллий ва хорижий инвесторларнинг қўшимча маблағларини мамлакатимиз фонд бозорига жалб қилиш орқали янги лойиҳаларни молиялаштириш имкониятини яратади.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур Қонуннинг кучга кириши жаҳонда тобора кескинлашаётган молиявий-иқтисодий инқироз шароитида иқтисодиётимиз реал сектори тармоқ ва корхоналарининг капиталлашув даражасини янада ошириш ҳамда уларнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, иқтисодий ночор ва банкрот деб эълон қилинган корхоналарга инвестициялар, шу жумладан, банк маблағларини жалб қилиш, ишлаб чиқаришни тиклаш ва уларни рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарга айлантириш, қолаверса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига имтиёзли кредитлар бериш кўламини янада кенгайтириш учун таъсирчан ҳуқуқий замин яратади.

Абдурашид АЛТИЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси аъзоси.

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар



Соғлом турмуш — саломатлик гарови

(Давоми. Боши 1-бетда).

Сўзга чиққанлар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида хотин-қизларнинг жамиятдаги роли ва мавқеини ошириш, соғлом турмуш тарзи ҳамда оилаларда тиббий маданиятни юксалтиришга қаратилаётган алоҳида эътибор ўз самарасини бераётганини таъкидладилар.

Сурхондарё вилоятида ҳам бу борада муайян ишлар олиб борилмоқда. Вилоят хотин-қизлар қўмитаси, соғлиқни сақлаш бошқармаси, "Маҳалла" жамғармасининг вилоят бўлими, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг вилоят бўлими кенгаши ҳамкорлигида соғлом турмушни тарғиб қилишга йўналтирилган кўрик-танловлар, хайрия акциялари ҳамда спорт мусобақалари ташкил этилмоқда. Натижада аҳолининг узоқ умр кўриш кўрсаткичи ўсиб бормоқда. Бироқ жойларда аҳолининг репродуктив саломатлигини яхшилаш борасида баъзи камчиликлар ҳам кузатилаётир. Жумладан, Шўрчи, Жарқўрғон ва Музработ туманларидаги айрим қишлоқ врачлик пунктларида туғиш ёшидаги аёллар саломатлиги етарлича назорат қилинмаяпти. Бу ишларда умумий амалиёт шифокорларининг ўрни сезилмайди. Мазкур камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф. Акбарова, Сурхондарё вилояти ҳокими Т. Жўраев иштирок этди.

Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ,
ЎзА мухбири.

Яқинда Учқудуқ туманида ош тузи ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Рўзи Хўжам" хусусий корхонаси иш бошлади.

Учқудуқнинг йодланган ош тузи

Тадбиркор Г. Рўзиева банкдан олган 42 миллион сўмлик кредит эвазига хорижнинг замонавий қайта ишлаш технологиялари ва қадоқлаш ускунасини олиб келиб ўрнатгач, йодланган ош тузи ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Ана шу маҳсулот ҳозир бежирим идишларга қадоқланиб, туман аҳолисига етказиб берилмоқда. Тадбиркор ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобига яна 10 та янги иш ўрни яратмоқчи.

Комила СОДИҚОВА.

Андижонлик фермерлар хайрли бир ташаббус билан чиқдилар.

Фермер фермаси

Вилоятдаги ҳар бир фермер дала шийпони ёнида чорва фермаси ташкил этиб, икки бош соғин сигир ва асалари парвариш қилишга киришдилар. Шунингдек, 100 та товуққа мўлжалланган ихчам паррандахонани ҳам ишга туширдилар.

Айни пайтда вилоят "Пахтасаноат" бирлашмаси, "Андижондонмаҳсулотлари", "Асака ёғ" ва "Андижон ёғ-мой" каби ўнлаб акциядорлик жамиятлари фермерларга бу ташаббусни амалга оширишда ҳомийлик ёрдами кўрсатмоқдалар.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ким ўзи туғилиб ўсган юрти тарихини билишга қизиқмайди, дейсиз.

Бувайдада янги музей

Бу борада бувайдаликларнинг азалий орзуси ушалди. Туманда янги иш бошлаган музей залларига қўйилган осориатиқалар Бувайда тарихи милодий 7-8 асрларга бориб тақалиши ҳақида аниқ маълумотлар беради.

Шунингдек, музейдан туман аҳолисининг мустақиллик йилларида эришган муваффақиятлари ҳақида ҳикоя қилувчи экспозициялар ҳам ўрин олган.

Набижон СОБИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Самарқанд шаҳрида вилоятдаги истеъмол моллари ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда хусусий тадбиркорлар иштирокида улгуржи савдо ва саноат ярмаркаси бўлиб ўтмоқда.

Саноат маҳсулотлари ярмаркаси

Унда ўзимизда ишлаб чиқарилган сифатли ҳамда арзон маҳсулотлар намойиш этилмоқда.

Дастлабки натижалар қувонарли. Ҳозиргача иштирокчи корхоналар ва савдо муассасалари ўртасида маҳсулот савдосини ташкил этиш бўйича ўнлаб шартномалар имзоланди.

А. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

МЕЛИОРАЦИЯГА ЭЪТИБОР УНУМДОРЛИК ПОЙДЕВОРИДИР

Мамлакатимизда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилаётган алоҳида эътибор натижасида кейинги йилларда экин майдонларининг унумдорлиги ошиб, қишлоқ хўжалиги тобора ривожланмоқда.

Айниқса, Президентимизнинг 2007 йил 29 октябрдаги "Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу борадаги ишларни бутунлай янги босқичга кўтарди.

Фармон ва ижро

Навоий вилоятида мазкур ҳужжат асосида мелиорация ишлари пишиқ ва пухта амалга оширилаётгани ўз самарасини бера бошлади. Негаки, Қуйи Зарафшон гидрогеологик мелиоратив экспедицияси томонидан 2008 йилда 503,6 километр узунликдаги зовурлар тозаланиб, 2 та сув ўлчаш иншооти, 46 та мелиоратив ва 76 та кузатув қудуғи қайта таъмирланди. Бундан ташқари, вилоятда фаолият кўрсатаётган "Навоийсувқурилиш" ОАЖга қарашли механизациялашган кўчма шўъба ва "Навоийдавсувмахсуспудрат" унитар корхонаси кучи билан "Хўжаболта" зовури қурилди. Бунинг натижасида Қизилтепа ва Кармана туманларида жами 2700 гектар экин майдонининг мелиоратив ҳолатини яхшилашга замин яратилди.

Қуйи Зарафшон гидрогеологик мелиоратив экспедицияси жамоаси томонидан жорий йилда 16 та объектда мелиоратив тадбирлар бажарилиши белгиланган. Пировардида 422,8 километрлик коллектор ва зовурлар, 64 та кузатув ҳамда 55 та мелиоратив қудуқ тўлиқ қайта таъмирланади. Корхоналарга хорижнинг 13 та замонавий экскаватори олиб келингани бу ишларнинг тезроқ бажарилишини таъминлаётир.

СУРАТДА: экскаваторчи Абдураҳим Эшмуродов.

Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.



Қирқиш чизиғи

Буклаш чизиғи

«16-модда. Баҳолаш объектини баҳолашдан ўтказишга йўл қўйилмаслиги

Баҳолаш объектини баҳолашдан ўтказишга қуйидаги ҳолларда йўл қўйилмайди, агар:

буюртмачи баҳоловчи ташкилотнинг мулкдори, муассиси (иштирокчиси, акциядори), кредитори, суғурталовчиси, баҳоловчиси бўлса;

баҳоловчи ташкилот ва (ёки) баҳоловчи буюртмачининг мулкдори, муассиси (иштирокчиси, акциядори), кредитори бўлса;

баҳоловчи ташкилотнинг ва (ёки) баҳоловчининг баҳолаш объектида мулкий манфаати бўлса;

баҳоловчи баҳолаш объектида мулкий манфаати бўлган шахслар билан яқин қариндошлик ёки қайин-бўйинчилик ва қуда-андачилик муносабатларида бўлса.

17-модда. Баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот мазмунига оид талаблар

Баҳолаш объектини баҳолашдан ўтказиш натижалари баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот билан расмийлаштирилади.

Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот тузилган сана ва унинг тартиб (рўйхатдан ўтказилганлик) рақами;

баҳолаш объектини баҳолашдан ўтказиш учун асос;

баҳолаш объектини баҳолашнинг мақсади;

баҳолаш объектининг аниқланадиган қиймати тури;

баҳоловчи ташкилотнинг номи, жойлашган ери (почта манзили) ва унга берилган, баҳолаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия тўғрисидаги маълумотлар;

баҳолаш объектини баҳолашдан ўтказган баҳоловчининг (баҳоловчиларнинг) малака сертификати тўғрисидаги маълумотлар;

баҳолаш объектининг унинг қийматини аниқлаш санасидагига айнан идентификация қилиш имконини берадиган тавсифи, шунингдек баҳолаш объекти мулкдорининг реквизитлари;

баҳолаш стандартлари, улардан фойдаланиш учун асос, баҳолаш объектини баҳолашдан ўтказишда фойдаланилган маълумотларнинг мазкур маълумотлар олинган манбалар кўрсатилган ҳолдаги рўйхати;

баҳолаш объектини баҳолашдан ўтказиш изчиллиги, шунингдек олинган натижани қўлланиш чегаралари;

баҳолаш объектининг қиймати аниқланган сана;

баҳоловчи ташкилот фойдаланадиган ҳамда баҳолаш объектининг миқдор ва сифат хусусиятларини белгилайдиган ҳужжатлар рўйхати.

Агар баҳолаш объектини баҳолаш бир нечта баҳоловчи томонидан ўтказилган бўлса, баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботни тайёрлаш жараёнида улар томонидан бажарилган иш баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда кўрсатилади.

Агар баҳолаш объектини баҳолашдан ўтказишда бозор қийматидан фарқланувчи қиймат аниқланган бўлса, баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда баҳони аниқлаш мезон-

қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқ бўлиши;

баҳоловчи ташкилотда қонун ҳужжатларида назарда тутилган миқдордаги устав фондининг мавжудлиги;

баҳоловчи ташкилотда баҳоловчи ташкилотнинг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурталовчининг мажбуриятлари кучга кирганлигини тасдиқловчи суғурта полисининг мавжудлиги.

Баҳоловчи (баҳоловчилар) фақат битта баҳоловчи ташкилотнинг муассиси (иштирокчиси, акциядори) бўлиши мумкин.

Агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг баҳоловчи ташкилотни ташкил этиши, шунингдек баҳолаш фаолиятини амалга ошириши тақиқланади.

4²-модда. Баҳоловчи

Баҳоловчи белгиланган тартибда лицензияловчи орган томонидан берилган баҳоловчининг малака сертификатига эга бўлган жисмоний шахсдир.

Баҳоловчи баҳолаш ишларини ўтказишга, агар у баҳоловчи ташкилотнинг штатида турган бўлса ёки баҳоловчи ташкилот у билан фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома тузган бўлса, баҳоловчи ташкилот томонидан жалб этилиши мумкин.

Баҳоловчи назорат қилувчи ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўтказадиган текширишларда ва бошқа тадбирларда баҳоловчи ташкилот ҳамда ушбу органлар ўртасида тузилган шартнома асосидагина мутахассис сифатида иштирок этиши мумкин.

4³-модда. Баҳоловчининг ёрдамчиси

Баҳоловчининг ёрдамчиси баҳоловчининг малака сертификатига эга бўлмаган ва баҳоловчининг баҳолаш объектини баҳолашдан ўтказиш билан боғлиқ топшириқларини бажарадиган, баҳолаш объектини баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботни (бундан буён матнда баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот деб юритилади) ҳамда баҳолашни ўтказиш билан боғлиқ бошқа расмий ҳужжатни имзолаш ҳуқуқига эга бўлмаган жисмоний шахсдир.

Баҳоловчи ёрдамчисининг меҳнат шартлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, баҳоловчи ташкилот билан тузилган меҳнат шартномасида (контрактда) белгилаб қўйилади.

Баҳоловчининг ёрдамчиси сифатида ишланган вақт баҳоловчининг малака сертификатини олиш учун зарур бўладиган иш стажига қўшилади»;

4) **12 — 15-моддалар** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«12-модда. Баҳолаш объектини баҳолашдан ўтказиш учун асослар

Баҳоловчи ташкилот ва буюртмачи ўртасида тузиладиган шартнома ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

«Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2009 йил 22 январда қабул қилинган

Сенат томонидан 2009 йил 27 мартда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августда қабул қилинган **«Баҳолаш фаолияти тўғрисида»**ги 811–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 208-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **3-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Баҳолаш фаолияти баҳоловчи ташкилотнинг баҳолаш объекти қийматини аниқлашга қаратилган фаолиятидир»;

2) **4-модданинг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Баҳолаш фаолиятини лицензиялашни амалга оширувчи орган (бундан буён матнда лицензияловчи орган деб юритилади) баҳоловчи ташкилотнинг қонун ҳужжатларида белгиланган лицензия талабларига ва шартларига риоя этиши устидан назоратни амалга оширади»;

3) қуйидаги мазмундаги **4¹**, **4²** ва **4³-моддалар** билан тўлдирилсин:

«4¹-модда. Баҳоловчи ташкилот

Баҳоловчи ташкилот баҳолаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган юридик шахсдир.

Баҳоловчи ташкилот ўз фаолиятида мустақилдир. Хизматларнинг истеъмолчиси (бундан буён матнда буюртмачи деб юритилади) ёки бошқа манфаатдор шахсларнинг баҳоловчи ташкилот фаолиятига аралашишига йўл қўйилмайди.

Баҳоловчи ташкилот қонун ҳужжатларида назарда тутилган исталган ташкилий-ҳуқуқий шаклда ташкил этилиши ва ўз фаолиятини амалга ошириши мумкин, очиқ акциядорлик жамияти бундан мустасно. Бунда қуйидаги мажбурий шартларга риоя этилиши керак:

баҳоловчи ташкилотнинг раҳбари баҳоловчи бўлиши;

баҳоловчи ташкилотнинг штат бирлиги тегишли малакага эга бўлган баҳоловчиларнинг штатдаги энг кам сонига доир,

Қирқиш чизиғи

Буклаш чизиғи

лари ва баҳолаш объектининг бозор қийматини аниқлаш имкониятидан воз кечиш сабаблари кўрсатилган бўлиши керак.

Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда баҳолаш объекти қийматини асослаш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар ҳам кўрсатилиши мумкин.

Баҳолаш объектларининг айрим турларини баҳолашдан ўтказиш учун қонун ҳужжатларида баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботларнинг махсус шакллари назарда тутилиши мумкин.

Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг ҳар бир бети баҳолаш объектини баҳолашдан ўтказган баҳоловчи (баҳоловчилар) томонидан имзоланади, ҳисобот баҳоловчи ташкилот раҳбарининг имзоси, мазкур ташкилотнинг муҳри билан тасдиқланади ва буюртмачига топширилади.

Баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот ҳар хил шарҳлашга йўл қўймаслиги ёки чалғитмаслиги керак»;

7) қуйидаги мазмундаги **18¹-модда** билан тўлдирилсин:

«18¹-модда. Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг низолилиги

Зарур бўлган ҳолда, баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг ишончлилигини текшириш учун мазкур ҳисобот қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа баҳоловчи ташкилот томонидан шартнома асосида экспертизадан ўтказилиши мумкин.

Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг ишончлилигини экспертизадан ўтказиш натижалари эксперт хулосаси билан расмийлаштирилади.

Экспертиза ўтказаётган баҳоловчи ташкилотнинг эксперт хулосасида баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақидаги холисона фикр бўлиши керак. Бунда мазкур ташкилот такрорий баҳолашни ўтказишга ва баҳолаш объектининг қиймати тўғрисида эксперт хулосасини чиқаришга ҳақли эмас.

Баҳоловчи ташкилотни илгари ўзи бажарган баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг ишончлилигини экспертизадан ўтказишга жалб этишга йўл қўйилмайди.


Буюртмачи баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот ишончлилиги тўғрисида олинган эксперт хулосасига рози бўлмаган тақдирда, низо судда кўриб чиқилиши керак.

Баҳолаш объектини баҳолашдан ўтказиш материалларини низоли ҳолларда экспертизадан ўтказиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда эксперт комиссияси тузилади.

Баҳолаш объектини баҳолашдан ўтказиш материалларини экспертизадан ўтказиш бўйича эксперт комиссиясининг мазкур материалларнинг ишончлилигини аниқлашга доир хулосаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фақат суд ажримига кўра тайёрланади. Баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот суд томонидан ишончли эмас деб топилганда, баҳолаш объектини баҳолаш материалларини экспертизадан ўтказиш бўйича эксперт комиссияси суднинг ажримига кўра баҳолаш объектини такрорий баҳолашдан ўтказади ва баҳолаш объек-

ЖАҲОН 24 соат ичида

Энг зарарсиз ва жуда фойдали



Норвегиялик ихтирочи Йон Бомер "Файненшль таймс" газетаси томонидан ўтказилган "Иқлимни ўзгартиришга чорлов" номли экологик танловда ғолиб, деб топилди.

Танлов шартларига кўра, иштирокчилар экологияга зарар етказмайдиган, муҳими, жамиятга фойда келтирадиган қурилма яратишлари лозим эди. 300 дан зиёд лойиҳа орасида Бомернинг "Картонли печка" қурилмаси ташкилотчилар томонидан "Энг зарарсиз ва жуда фойдали" дея эътироф этилди.

Бу қурилма қуёш нури ёрдамида сувни қайнатади. Унда бемалол чой дамлаб ичиш ҳам мумкин. Ихтирочига 75 минг АҚШ доллари миқдорида пул мукофоти берилди.

Собиқ котибнинг илҳоми

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг собиқ Бош котиби Кофи Аннан эсдаликлар ёзишга киришди.

Унда Аннан БМТга раҳбарлик қилган 1997-2006 йиллардаги хотираларини тилга олади. Муаллифнинг айтишича, асарда, асосан, ўша даврдаги давлат раҳбарлари билан ўтказилган мулоқотлар баён этилади.

Ҳозирча китобнинг қачон нашрдан чиқиши номаълум.

Гумондорлар қўлга олинди

Буюк Британия полицияси террорчиликда гумон қилинаётган 10 кишини ҳибсга олди.



Манбада келтирилишича, гумондорлар Ливерпуль ва Манчестер шаҳарларида ўтказилган рейдларда қўлга олинган. Айни пайтда улар полиция томонидан сўроқ қилинмоқда.

Қидирув тўхтатилгани йўқ

Маълумки, жорий йилнинг 7 апрелида Италия марказида кучли ер силкиниши кузатилганди.

Маҳаллий полиция вакиллари табиий офат қурбонлари сони кун сайин ошиб бораётганини билдиришди. "Рейтер" ахборот агентлиги хабарида келтирилишича, 9 апрель ҳолатига кўра, мазкур рақам 272 кишига етган.

Вайроналар остида ҳали яна кўплаб кишилар қолиб кетгани айтилмоқда. Шу боис қидирув-қутқарув ишларини камида 12 апрелгача давом эттириш кўзда тутилган.

Табиий офат келтирган зарар миқдори 1,5 миллиард евро, дея баҳоланаётир.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Инсоннинг мустақил фикрга эга бўлиши — ҳаётий зарурат. Мустақил фикрли шахслар ўзларининг салоҳияти, имконияти билан бошқалардан яққол ажралиб туришади. Инсон бу дунёга келиб ўзлигини, яъни ўз фикрини, ўз дунёқарашини, билим-малакасини намоён эта олмаса, унинг ҳаётда, жамиятда ҳам ўрни бўлмайди. Буюк мутафаккир бобокалонимиз Алишер Навоий бу ҳақиқатни нодир бир байтида мана бундай тарзда, гўзал қилиб айтган: "Эл нетиб топгай мениким, мен ўзимни топмасам..."

МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШ ОМИЛЛАРИ

Дарҳақиқат, инсон бу ёруғ оламда ўз ўрнини топиш, ўз мавқеини яратиш учун, аввало, ўзлигини англаши лозим. Бунинг омили, сарчашмаси -- мустақил фикр, билим, малака, дунёқарашдир.

Шу боисданки, мустақилликка эришганимиздан кейин Президентимиз халқни маънавий юксалтиришни тараққиётимизнинг энг устувор вазифаларидан бири этиб белгиладилар.

Жамият аъзоларининг маънавий ривожланишида эса фикр мустақиллиги, инсоннинг соғлом, ҳаётий тафаккур, билим ва дунёқарашга эга бўлиши ҳал қилувчи ўрин тутади.

Собиқ шўро тузуми шароитида эркин фикрлаш, инсоннинг мустақил фикрга эга бўлиши қатъиян чекланган эди. Миллатларнинг мустақил фикрга мойил, шунга ўзларида азм ва қатъият топган илғор зиёлилари эса шафқатсизларча йўқ қилинди. Шахсни манқуртга айлантириш, итоатда тутиш — мавжуд коммунистик сиёсат ва мафкуранинг бош вазифаларидан бири эди...

Мустақиллик халқ руҳияти ва маънавиятини ердан осмонга кўтарди. Юртдошларимизнинг бугунги фикри, дунёқараши, билим-малакаси, зиёлилик даражаси тамомила бошқача. Уларнинг ўз тақдирига, Ватанга, халққа, ўтмишга ва келажакка, ерга, мулкка, меҳнатга муносабати тубдан ўзгарди. Мутелик, ҳадик, хавотирдан руҳиятимиз халос бўлди ва халқимизнинг бу дунёда ҳеч кимдан кам эмаслигини тўла ҳис этдик. Жаҳон спорт ареналарида, халқаро фан олимпиадаларида ёшларимиз эришаётган оламшумул ютуқлар шундан далолат бермоқда. Бугунги ёшлар маҳобатли, энг илғор техника ва технологиялар билан қуролланган корхоналарни дадил бошқармоқдалар. Ёки бўлмасам, фермерларни олайлик. Ҳозир ҳамма фермерларга ҳавас билан қарайди. Фермерларнинг юксак замонавий ҳуқуқий, иқтисодий, сиёсий тафаккури кечаги деҳқонларда умуман йўқ эди. Истиқлол даврида шаклланиб ривож топаётган эркин, ҳур ва дадил мустақил фикр ҳаётда мана шундай самаралар бермоқда.

Эркин, мустақил фикр, Президентимизнинг "Тафаккур" журнали бош муҳаррири саволларига берган жавобларида айтилганидай, ўзининг қадр-қимматини англайдиган, иродаси бақувват, иймони бутун, ҳаётда аниқ, соғлом, истиқболли мақсадга эга бўлган инсонлардагина шаклланади ва ривож топади. Бундай инсонлар ўз ақли, ўз тафаккури, ўз меҳнати, ўз масъулияти билан онгли тарзда, озод ва ҳур фикрли инсон бўлиб яшайди. Бундай одамларни сохта ақидалар, ҳавойи шиорлар йўлдан ура олмайди. Мустақил фикрли инсон — томири теран қатламларга бориб, сувга, обиҳаётга етган дарахтга ўхшайди. Бундай дарахт ҳар қандай об-ҳаво ва иқлим шароитида ҳам кўркамлигини йўқотмайди,

Мушоҳада

яшнаб туради ва мўл-кўл мева — ҳосил бериш учун ўзида куч-қудрат топади.

Мустақил, бақувват, дадил фикрга эҳтиёж бугун янада каттароқ. Аввало, биз Ватанимизнинг озод ва обод, қудратли келажагини орзу ва мақсад қилиб яшаяпмиз. Бундай келажакнинг мустаҳкам пойдевори — халқнинг тафаккури, билими, малакаси ва салоҳиятидир. Қолаверса, ҳозирги глобаллашган дунёда халқимизга, айниқса, ёш авлодга четдан гоҳо ошкора, гоҳо зимдан мафкуравий ва маънавий таъсирлар кучаймоқда. Бугунги мафкуравий, маънавий таҳдидлар беозор кўринишда эканлиги билан хатарлидир. Бундай таъсирлар шунчаки мусиқа, оддийгина мультфильм ёки реклама орқали амалга оширилиши мумкин. "Оммавий маданият"нинг беҳаё, бадахлоқ ғоялари билан суғорилган кино, адабиёт, мусиқа ва бошқача санъат "намуналари" — бундай таҳдиднинг энг хатарлисидир. Бугунги кунда ҳеч бир ғояни, фикрни тақиқ билан, маъмурий чоралар кўриш орқали енгиб бўлмайди, албатта. Президентимиз айтганларидай, бундай шароитда ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш мумкин.

Ёшларда бундай кучли маънавий-руҳий иммунитетни шакллантирадиган омиллардан бири бизнинг ўз миллий ғоямизга, миллий мустақиллик мафкурамизга эга бўлишимиздир. Мустақилликнинг ўтган йилларида биз ҳаёт мактабида тобланган, истиқболли ғояларга, мафкуравий эътиқодларга эга бўлдик. Булар — бутун Ўзбекистон халқини руҳан, маънан бирлаштирувчи Ватан равнақи, Юрт тинчлиги, Халқ фаровонлиги ғояларидир. Мана шу мақсадлар юксак ва олижаноб мазмун-моҳияти билан, айниқса, ёш авлод қалбидан, иймон-виждонидан нечоғли мустаҳкам ўрин олса, тараққиётимизга ёт ғоялар ва ақидаларнинг таъсири шу қадар заифлашади.

Ўзлигимизни равнақ топтиришда таълим-тарбиянинг ўрни ва масъулияти алоҳидадир. Ёш авлод вакиллари болалигидан токи улғайиб, ўзини тутиб олишга қадар бўлган бутун ҳаётини таълим-тарбия даргоҳларида кечиради. Ёшлар ўзларида нафақат билим, малака ва мутахассисликни, балки мафкуравий-маънавий тарбия асосларини ҳам таълим-тарбия тизимида шакллантиради.

Шу боисдан Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз таълим-тарбия тизими замонавий долзарб талаб ва эҳтиёжлар асосида ҳар тарафлама ислоҳ этилмоқда. Бу ислоҳотлар Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури каби стратегик ҳужжатларда белгиланган вазифалар асосида олиб борилмоқда. Дарвоқе, бу ҳужжатларда ёш авлодда эркин, дадил мустақил фикрлаш кўникмаларини ўстириш устувор вазифа этиб белгиланган. Ҳозирги таълим-тарбиянинг барча воситалари, имкониятлари — дарсликлар, ўқув дастурлари ва қўлланмалари, таълим-тарбия жараёнида жорий этилаётган янги педагогик технологиялар ва усуллар — мана шу эзгу муддаони юзага чиқаришга йўналтирилган.

Тафаккурга эҳтиром — мамлакат ва халқ камолотига эҳтиромдир. Оллоҳ инсонни онгли, фикрли, зеҳнли ва мушоҳадали зот қилиб яратган экан, биз ўзимиздаги бу сифатлар ва омилларни тинимсиз равнақ топтириб боришимиз керак. Аждодларимиз инсоният тамаддуни ривожига бебаҳо ва улкан улушлар қўшганлигидан фахрланамиз. Ёшларимиз орасида ҳам ҳар бир соҳада фикр ва изланишлар билан яшаётганлари оз эмас. Фикр ва изланишлар билан яшаяпмизми, демак, ўзингиз ҳам, сизга умид ва ишонч билан боғланган она-Ватан ва халқ ҳам порлоқ келажаклидир.

Михли САФАРОВ.

«СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ

чақалоқларда патологик ва туғма нуқсонларни эрта аниқлаш ҳамда олдини олиш мақсадида ўтказилган тендер савдолари натижаларига кўра, қуйидагилар **ҒОЛИБ БЎЛГАНЛИГИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:**


- **1-лот** «Ҳомиладор аёлларни перинатал скрининг текширувларидан ҳамда чақалоқлардаги туғма гипотериоз ва муковисцидозни аниқлаш учун «Делфия-Виктор» аппаратида ишлатиладиган диагностик тўпламлар» бўйича **«PRIBORI OY»** фирмаси (Финляндия);
- **2-лот** «Туғма фенилкетонурияли чақалоқлар учун болалар шифобахш озиғи» бўйича **«STRATFORD GROUP MANAGEMENT LTD»** компанияси (Буюк Британия).

3827/824


КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Идораларарo ва соҳа ичидаги кооперацияни ривожлантириш ва чуқурлаштириш мақсадида

«Ўзбекэнерго» ДАК



2009 йил 16-18 апрель кунлари «Ўзэкспомарказ» МКК ОАЖнинг 4-павильонида соҳавий саноат ярмаркасини ўтказади.



Энергетика соҳасида ҳамкорлик қилишни хоҳловчи республика ишбилармон ва илмий доира вакиллари таклиф этиладилар.



Расмий очилиш маросими 2009 йил 16 апрель куни соат 10.00 да бўлиб ўтади.

3830/824

«Давархитектқурилиш» қўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси

«Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар сақлаш мажмуаси қурилиши»нинг эскиз лойиҳасини ишлаб чиқишга

танлов эълон қилади.

Танловнинг шартлари тўғрисидаги маълумотларни ва бирламчи ҳужжатларни қуйидаги манзилдан олиш мумкин: Тошкент шаҳри, Я. Ғуломов кўчаси, 70-уй, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси.

Кўргазмали материалларни топшириш муддати — 2009 йил 1 май.

Мулоқот учун телефонлар:

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси	233-29-61	Султанов С.С.
	233-33-54	Юткин С.В.
«Давархитектқурилиш» қўмитаси	244-05-21	Очилов Х.Х.

3831/421

ОФИЦИАЛЬНЫЙ ДИСТРИБЬЮТОР

ПРЕДЛАГАЕТ СО СКЛАДА В Г. ТАШКЕНТЕ

КОТЛЫ ЧУГУННЫЕ ОТОПИТЕЛЬНЫЕ "КЧМ"

РАБОТАЮЩИЕ НА ПРИРОДНОМ ГАЗЕ, ЖИДКОМ И ТВЕРДОМ ТОПЛИВЕ. СООТВЕТСТВУЮЩИЕ РОССИЙСКИМ И ЕВРОПЕЙСКИМ СТАНДАРТАМ. КПД ОТ 79 ДО 90%

а также:

товар сертифицирован форма оплаты-любая

КАФЕЛЬ

(облицовочный и напольный)

САНТЕХНИКА

(унитазы , умывальники в большом ассортименте)

ЧУГУННЫЕ ВАННЫ, ДУШЕВЫЕ ПОДДОНЫ

Тел.: 333-71-55, факс: 267-35-73

Торговый магазин: ул. Уста Ширин, 125 внутри строительного рынка № 127

zakamsk-group@mail.ru

"Ипотекабанк" бошқаруви ва меҳнат жамоаси банкнинг Миробод филиали бошқарувчиси вазифасини бажарувчиси Зиёдулла Насруллаевга падари бузруквори

ҲАМИДУЛЛА отанинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"Агробанк" очиқ акциядорлик тижорат банки бошқаруви ва касаба уюшмаси Ички аудит бош бошқармасининг бўлим бошлиғи Акрамжон Абдуҳамидовга волидаси

ОНАҲОН аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

1-сонли республика клиник шифохонаси маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси даволаш-ташхис бўлими мудири, тиббиёт фанлари номзоди

Шуҳрат Қудратович ЭРГАШЕВнинг

вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикасида жами 96 та ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаси мавжуд бўлиб, уларнинг саккизтаси академик лицей, 88 таси касб-ҳунар коллежидир.

ИСТИҚЛОЛНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ФАРЗАНДЛАРИ

Академик лицейларда тўрт таълим йўналиши бўйича фаолият олиб борилиб, уларда 5670 нафар ўқувчи таълим олмоқда. Касб-ҳунар коллежлари 55062 нафар ўқувчи ўрингa эга бўлса, таълим олувчиларнинг сони 97731 нафар ўқувчини ташкил қилади. Мавжуд 96 та таълим муассасасининг 37 таси янги қурилган, 53 тасида реконструкция ишлари бажарилган.

Ушбу соҳадаги ислоҳотлар хусусида Қорақалпоғистон Республикаси ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Елимбет Султонов бизга қуйидагиларни гапириб берди:

— Таълим муассасаларининг қуввати ўсиши билан умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини қамраб олиш даражаси ҳам ортмоқда. 2005 йили барча таълим муассасаларига 23106 нафар, 2006 йили 31847 нафар ўқувчи қабул қилинди. 2007 йили эса 34230 ўқувчи қабул қилиниб, ушбу кўрсаткич Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 29 октябрдаги 473-сонли қарорида тасдиқланган параметрларга тўла мос келади. Таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш йўлида ҳам қатор ишлар амалга оширилаяпти. 2006 йилнинг ўзида академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига 21 та синф-комплект компьютер техникалари, битта автомобиль, иккита трактор, учта синф-комплект тикув машиналари, шунингдек, умумий нархи 1 миллиард 157,5 миллион сўмлик техника, асбоб-анжомлар, лаборатория жиҳозлари, медиа ва кўргазмали воситалар етказиб берилди. Шунингдек, таълим муассасаларида замонавий меҳнат бозорида рақобатбардош мутахассисларни тайёрлашга имкон берадиган моддий-техникавий база яратилди. Осиё ва Япония Тараққиёти банклари кредитлари ҳисобидан Беруний, Манғит ҳамда Қораўзак касб-ҳунар коллежларида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи миницехлар қурилди. Польша давлати кредити ҳисобидан умумий нархи 1 миллиард 147 миллион сўм бўлган жиҳозлар олиниб, Нукус политехника, Нукус енгил ва озиқ-овқат, Дўрман ва Қизилўзак қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежларида миницехлар ишга туширилди. Бу ўқув-таълим назариясини амалиёт билан узвий олиб бориш имконини яратмоқда.

Таълим

Қорақалпоғистон Республикаси ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ўқувчиларнинг янги педагогик технологиялар асосида билим олиб, касб-ҳунар эгаллашлари учун барча шароитлар муҳайё қилинган. Асосан, ўқувчи-ёшларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиб боришлари учун яратилган имкониятлар кўзни қувонтиради. Ўқувчи-ёшлар ўртасида спортни ривожлантириш ва жисмоний тарбия фанини ўтказиш бўйича республика миқёсида жаҳон андозалари даражасидаги 62 та спорт зали, 14 та теннис корти, 66 та баскетбол, 72 та волейбол, 34 та футбол ва 22 та мини-футбол майдончалари ташкил этилган. Замонавий спорт инвентарлари билан жиҳозланган спорт заллари ва майдончаларда шуғулланаётган ўқувчи-ёшлар орасидан кўплаб Ўзбекистон, Қорақалпоғистон чемпионлари, Осиё биринчиликлари ҳамда халқаро турнирлар ғолиблари, шунингдек, совринли ўрин эгалари етишиб чиқмоқда. 2008 йил 17-20 май кунлари Қорақалпоғистон Республикасида "Баркамол авлод — 2008" спорт мусобақаларининг финал босқичи бўлиб ўтди. Унда юртимизнинг барча вилоятлари, пойтахтимиз Тошкент шаҳри ҳамда Қорақалпоғистон Республикасидан 1596 нафар ёш спортчи Нукус, Хўжайли, Тахиатош шаҳарлари ва Кегайли туманидаги замонавий спорт иншоотлари ҳамда мажмуаларида спортнинг 12 тури бўйича беллашдилар. Мазкур турнирда волейбол бўйича ўсмирлар ва қизлар, баскетбол бўйича ўсмирлар, қизлар ҳамда футбол жамоаларимиз юқори кўрсаткичга эришиб, олтин медаль соҳиби бўлишди. Ушбу спорт мусобақаларига тайёргарлик жараёнида 12 минг томошабинга мўлжалланган "Турон" стадиони реконструкция қилинди. Бу юмушга 2,5 миллиард сўм маблағ сарфланди. Шунингдек, бир қанча янгиданянги спорт иншоотлари қурилиб, жаҳон андозаларига жавоб берадиган, қиймати 3 миллиард сўмлик сув ҳавзаси (бассейн) барпо этилди.


Ўқиб-ўрганишга, билим олишга йўналтирилган маблағлар ўз самарасини бериши айни ҳақиқат. Бугун қорақалпоқ юртида касб-ҳунар коллежларидаги барча имкониятлардан фойдаланиб, билим олаётган бу ёшлар эртага юрт равнақи, халқ фаровонлигига хизмат қилади.

Ҳидоят АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ «Тез пул ўтказиш» хизмати Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! ТЕЛ.: 237-21-93, 237-16-24. САЙТ: WWW.POCHTA.UZ E-MAIL: OAO@POST.UZ

Шифобахш «олтин дарахт»

"Олтин дарахт" ҳақида эшитганмисиз? Хандон пистани ана шундай таърифлашади. Сабаби, писталар бошқа дарахтлар ўса олмайдиган сувсиз, тошлоқ ерларда ҳам илдиз отиб, мўл ҳосил бераверади. Тоғ ёнбағирларини ювилиб ва емирилиб кетишдан асрайди. Энг муҳими, илдиз тизими атрофида сув тўплаб, ҳудуднинг биологик ҳолатини яхшилашга хизмат қилади.



Пистанинг, айниқса, меваси қимматбаҳодир. Негаки, мева мағзида 60 фоиз мой, 20 фоиз оқсил, 3-8 фоизгача қанд ва бошқа кўплаб микроэлементлар мавжуд. Шу маънода, писта қуруқ мевагина эмас, балки озиқ-овқат ва қандолатчилик саноати учун муҳим хом ашё ҳам ҳисобланади. Мутахассисларнинг айтишича, ундан олинган мой ҳиди ва мазаси жиҳатидан зайтун мойидан юқори туради. Шунинг учун пистага бўлган талаб тобора ортиб бормоқда.

Дунёда писта етиштириш ва уни экспорт қилиш бўйича Эрон, АҚШ ва Туркия давлатлари етакчилик қилмоқда. Соҳа мутахассисларининг фикрига кўра, Ўзбекистонда бу тармоқни ривожлантириш имконияти ниҳоятда катта. Мустақиллик йилларида пистачиликка қаратилаётган алоҳида эътибор бу имкониятни янада кенгайтириб юборди. Хусусан, Президентимизнинг 2006 йил 9 январдаги "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бунда муҳим омил бўлаётир.

— Писта — беор дарахт, — дейди Манзарали боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги республика илмий-ишлаб чиқариш марказининг бўлим бошлиғи Алишер Раҳмонов. — Жой танламайди, тошлоқ ерларда, сувсиз адирликларда ҳам ўсаверади. Сўнгги йилларда Фарғона водийсида 400 гектар шундай ташландиқ ер танланиб, унинг 60 гектарида пистазорлар барпо этилди. Бу жойда марказ олимлари томонидан яратилган "Шарқ юлдузи", "Олмос", "Ҳосилдор" навига мансуб кўчатлар экилиб, парваришланаяпти. Умуман олганда, кейинги йилларда юртимизда хандон пистанинг тупроқ-иқлим шароитимизга мос бўлган 30 дан ортиқ навлари яратилди. Бу истиқболли навлар республикамизнинг барча ҳудудларида бирдек мўл ҳосил беради.

Пистанинг етти йилда нишона ҳосили кўринади. Дастлаб унинг меваси унчалик шиғил бўлмайди, лекин йилдан-йилга ҳосилдорлиги ошиб бораверади. Буни халқимиз яхши билади, албатта.

Бугунги кунда "Боботоғ" (Сурхондарё), "Саройқўрғон", "Каттақўрғон" (Самарқанд), "Ҳўжамушкент" (Жиззах) сингари пистачилик хўжаликлари фаолият кўрсатаётир. Бироқ мазкур хўжаликлар эрозиянинг олдини олиш мақсадида ташкил этилганлиги учун уларнинг нав хусусиятларига унчалик эътибор берилмаган. Шу боис бу пистазорларнинг ҳосилдорлиги талаб даражасида эмас.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси ташаббуси билан мавжуд пистазорларни серхосил навлар билан бойитиш, янгиларини барпо этиш буйича халқаро лойиҳа амалга оширилаётир. У Туркия Халқаро техник ҳамкорлик агентлигининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси кўмаги билан Туркия Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Газиантеп писта етиштириш илмий-тадқиқот институти олимлари ҳамкорлигида олиб борилаяпти.

— Лойиҳа бежиз туркиялик мутахассислар билан амалга оширилаётгани йўқ, — дейди Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Муродбой Ғаниев. — Аввало, Туркия пистаси ҳосилдорлиги, сифати ва қурғоқчиликка чидамлилиги билан ажралиб туради. Қолаверса, бундай хусусиятли Антеп писта навлари Боботоғ пистаси асосида яратилган бўлиб, уларни қир-адирларда, лалмикор ерларда кўпайтириш мумкин. Эътибор қилинг, Туркия пистазорларининг 90 фоизи лалмикор ерлар ҳиссасига тўғри келади. Уларнинг ҳар тупидан ўртача 60-103 килограммдан ҳосил йиғиштириб олинади.

Республикамиз ўрмон хўжаликларининг 4 та тажриба участкасида Антеп пистасини етиштириш, уларни маҳаллий навлар билан чатиштириш орқали янги навлар яратиш устида изчил ишлар олиб борилаяпти. Мутахассисларимиз пистазорлар яратишда пайвандлаш усулини маъқул кўришяпти. Бу, биринчидан, кўчатларнинг юртимиз иқлимига тез мослашишини, иккинчидан, эрта ҳосилга киришишини таъминлайди. Мазкур усулда Антеп пистасининг, айтайлик, "Siirt" нави уч, "Uzun" нави эса олти йилда ҳосил бера бошлайди. Бу ишлар яқинда бошланадиган лойиҳанинг учинчи босқичида рўёбга чиқарилади.

Айтиш жоизки, пистачиликни ривожлантириш ишларига юртимиз фермерлари ҳам муносиб улуш қўшиш ташаббуси билан чиқишди. Шундай истак билдирган 25 нафар қишлоқ мулкдорига яқинда "Саройқўрғон" ўрмон хўжалиги жамоаси кўчатлар етказиб берди. Бу юртимизда "олтин дарахт"зорлар майдони тез орада кенгайиб, мўл ва қимматбаҳо ҳосил етиштириш ҳажми кескин ошишидан далолатдир.

Саид РАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ҳамкорлик

МАЪЛУМОТ. Пистанинг ватани Марказий Осиё бўлиб, у ўлкамиздан савдо карвонлари орқали дастлаб Сурия ва Юнонистонга, сўнгра Италияга олиб кетилган. Минтақамизда пистани маданийлаштиришга ҳожат ҳам бўлмаган. Нега деганда, тоғларимиз пистазорлар билан қопланган!

Ҳисор тоғ тизмаларида минг йиллик писталар мавжудлиги ва улар ҳозир ҳам ҳосил бераётгани фикримиз тасдиғидир.



«Халқ сўзи»нинг шу йил 20 февраль сонида эълон қилинган "Турон йўлбарси" сарлавҳали мақолани ўқиб, шу мавзуга оид материални "Онажоним — табиат" саҳифаси ўқувчиларига илиндик. Бу соҳа мутахассисларида қизиқиш уйғотади, деган умиддамиз. Гап шундаки, хоразмлик табиат шайдолари Турон йўлбарсларининг авлоди мавзудлигини айтишмоқда...

Акс садо

Хоразм йўлбарслари

Қадимда Хива хонлари шикорга чиқадиган Юмалоқтўқай ҳозирги Боғот туманидаги Қипчоқ қишлоғи ҳудудига тўғри келади. Бу тўқайнинг ҳайвонот дунёси ниҳоятда бой бўлиб, силовсин, бўри, тулки, бўрсиқ, ҳатто тўнғиз ва йўлбарслар ҳам яшагани тарихий манбаларда қайд этилган.

1970-1980 йилларгача одамлар Амударё соҳилларида баҳайбат йўлбарсларни учратганини гапириб юришади. Собиқ совет даврида авж олган қўриқ ерларни ўзлаштириш сиёсати ёввойи ҳайвонларнинг эркин ҳаёт тарзига путур етказди. Оқибатда Хоразм йўлбарслари ҳам қирилиб кетди. Чунки бу ҳайвонларнинг асосий макони Юмалоқтўқай ўзлаштирилиб, унинг ҳудудида "Боғот" давлат хўжалиги ташкил этилди.

Хўжалик механизатори А. Юсупов бу ерда йўлбарсларга охирги бор 80-йиллар сўнггида дуч келганини эслайди. Бироқ қўшқўпирлик овчи Ҳайитбой Бобожоновга Қорақумда йўлбарс ҳамла қилгани ва овчи жонини сақлаб қолиш учун уни отиб қўйгани ҳақидаги гап-сўзлар кўпчиликни эсанкиратиб қўйди.

Туман марказидаги 4-лицей-интернатнинг ўқитувчиси Рустам Абдолёзов ҳам Хоразм йўлбарслари борлигининг исботи сифатида қишлоқдошларидан бири унга дуч келганини айтади.

— Бундан беш йил олдин ишхонамдан Қорақалпоғистоннинг "Қизилжар" массивига ишга юборишди, — дея эслайди ҳайдовчи дўстим Улуғбек Матёқубов. — Ярим йўлга етганимда, қуёш ботиб, қоронғи туша бошлади. Манзилга тезроқ етиш учун "КамАЗ"нинг тезлигини оширдим. Бир пайт қарасам, асфальт йўлнинг ўртасида йўлбарс турибди. Дарҳол тормозни босдим. Тўнғиз боласини ямлаётган йиртқич бир зум атрофга назар солди-да, ўлжасини судраб қамишзорга кириб кетди...

Демак, Хоразм йўлбарслари ҳали қирилиб кетмаган. Улар "Тупроққалъа", "Бадайтўқай" ва "Қизилжар" қамишзорларида яшаётгандир балки? Бу борадаги тугал фикрни соҳа мутахассислари айтишади, албатта.

Эрпўлат БАХТ.
Хоразм вилояти

Мамлакатимизнинг ҳайвонот дунёси ниҳоятда бой. Ҳамма гап бу бебаҳо бойликни асрай билишда, уни кўпайтира олишда. Негаки, кейинги йилларда олиб борилаётган муҳофаза чораларига қарамай, кўплаб ҳайвонот турларининг сони камайиб, ҳатто йўқолиб кетиш хавфи туғилмоқда. Бу хавф қоплонлар учун ҳам бегона эмас.



«Қизил китоб»дан саҳифалар

ҚОПЛОН

Қоплонлар табиий ҳолда Кўҳитанг ва Боботоғ этакларида яшайди. Асосан тунда ов қилади. Ёввойи ҳайвонлар, баъзида кемирувчилар ва қушлар билан озиқланади. Март-май ойларида бештагача болалайди.

Боботоғда 1960 йилларда қоплонларнинг бир неча донаси борлиги қайд этилган. Кўҳитанг этакларида эса 1990 йилларда бир неча боши учраган. Бугунга келиб, ўн бошга яқини қолган, дея тахмин қилинмоқда. Мутахассислар бу жониворларнинг озуқа манбаи қисқариб бораётгани ва браконерликни бунга сабаб қилиб кўрсатишмоқда.

Қоплонлар давлатимиз томонидан алоҳида муҳофаза остига олинган бўлиб, ов қилиш тақиқланган, "Сурхон" қўриқхонаси ва ҳайвонот боғларида кўпайтирилаяпти. Ўзбекистон Республикаси "Қизил китоби"га киритилган, ТМХИ Қизил рўйхатига олинган.

ОҚ ТУРНА

Юртимизга баҳор келиши билан иссиқ ўлкаларга учиб кетган қушлар қайта бошлайди. Оқ турна — шулардан бири. Боболаримиз кўклам даракчиси бўлган бу қушларнинг учишига қараб, жорий йилнинг қандай келишини чамалашган.

Масалан, турналар пастлаб учса, деҳқончилик ва чорвачилик учун қулай обҳаво кузатилади, мўлкўлчилик бўлади. Яна айтишадики, турналар қанотлари остида қалдирғочларни ҳам олиб келади.

Одатда, оқ турналар мамлакатимизга март-апрель ойларида учиб келади. Келес ва Ангрен дарёлари қуйи қисмларида, шунингдек, Сирдарё ва Мингбулоқ ботиғида уялайди. Октябрь ойида қишлаш учун яна Эрон, Ҳиндистон, Хитой давлатларига учиб кетади.

Бироқ кейинги йилларда оқ турналарнинг сони кескин камайиб бораяпти. Маълумотларда келтирилишича, дунё бўйича уларнинг умумий сони 3 мингтани ташкил этади, холос. Бутунлай йўқолиб кетиш хавфи бўлган ушбу қушлар айни пайтда Россия, Германия, АҚШдаги махсус парваришхоналарда кўпайтирилмоқда.

Оқ турналар Ўзбекистон Республикасининг "Қизил китоби"га киритилган, ТМХИ Қизил рўйхатига олинган.



«Соябон» отлар

Икки йил муқаддам йўлимиз сахро томон тушди. Савр ойи эди. Бир маҳал эгри-бугри йўлдан чамаси ўн беш-йигирма метр чап томонда уч бош саман отга кўзимиз тушди.

Бирининг боши кун чиқар томонга қараган, иккинчиси ундан бир қадам олдинда, учинчиси эса бир қадам орқада ёнма-ён туриб, майса устида ётган қулунга соя ташламоқда.

Ажабо!

Воқеани оёққудуқлик йилқибоқар Дўсанга сўзлаб бердик.

— Бу кўпчилик англаб етмайдиган табиатнинг сиру синоати, — деди у. — Йилқининг икки томонида турган отлар ҳам унинг болалари. Улар увуз сутидан маст бўлган мурғак қулунга қуёш айланишига қараб, соябон бўлиб туради. Ёмғир пайтида ҳам жониворлар қулунни совуқ томчилардан ана шундай ҳимоялайдилар.

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Кони фойда чашмалар

Мамлакатимизнинг жанубий ҳудуди — Сурхондарёда уч юздан зиёд катта-кичик чашмалар бор. Уларнинг аксарияти Олтинсой, Сариосиё, Узун, Бойсун ва Шеробод туманларининг тоғли ҳудудларига тўғри келади.

Айниқса, "Хўжамайхона", "Омонхона", "Анжир ота", "Хонжиза", "Сангардак" чашмалари нафақат юртимизда, балки қўшни давлатларда ҳам маълум. Сабаби, уларнинг суви ниҳоятда шифобахш.

Жумладан, тарихи минг йилликларга бориб тақалувчи "Омонхона" булоғининг суви кўплаб касалликларнинг олдини олиш ва даволашда қўлланилади.

Ривоятларга кўра, бу ерда Искандар Зулқарнайн ва Амир Темур аскарлари узоқ сафарлар ва машаққатли жанглардан сўнг қўним топиб, дам олишган. Ярадор аскарлар чашма сувидан шифо топган.

Синоат


"Омонхона" суви ошқозон-ичак, жигар, сариқ касалдан қоладиган асоратлар, ўт, буйрак ва сийдик йўллари, қон босими, қандли диабет, шунингдек, остеохондроз касалликларини даволашда малҳам бўлади.

Шеробод туманидаги "Анжир ота" булоғи суви ҳам шифобахшлиги билан ажралиб туради. Кимёвий текширишлар шуни кўрсатдики, бу сувдан йўғон ичак ва меъдадаги, жигар ва томир йўлларидаги касалликларни, колит, гастритларнинг ҳамма турларини, ичак ва 12 бармоқли ичакдаги яраларни, модда алмашинишининг бузилиши ва бошқа касалликларни даволашда фойдаланиш мумкин.

Заминимиз қаъридан чиқаётган ҳар бир булоқ ўзига хос бўлиб, улардаги ҳар томчи сувда пинҳоний қудрат мужассам. Бироқ улардан баъзи ҳолларда нооқилона фойдаланилаётгани кишини ташвишга солади.

Чунончи, вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси мутахассислари томонидан ўтказилган экологик мониторинг натижасига кўра, кейинги бир-икки йил ичида "Омонхона" булоғидаги обиҳаёт миқдори сезиларли даражада камайиб кетган. Гидрогеологик тадқиқотлар бунга маҳаллий аҳоли булоқ сувидан қишлоқ хўжалиги экинларини ва чорва молларини суғориш учун беаёв фойдаланаётганлиги, исрофгарчиликка йўл қўйилаётгани сабаб бўлаётганлигини кўрсатмоқда. Бу ачинарли вазият кишининг ўзи ўтирган дарахт шохига ўзи болта уриши билан баробар эмасми?

Гулбаҳор ТАНГИРОВА.



«Зомин» қўриқхонаси

"Зомин" тоғ арчазорлари давлат қўриқхонаси мамлакатимизнинг тўнғич қўриқхонаси ҳисобланади. У ўзининг сўлим табиати, ноёб ўсимлик ва ҳайвонот дунёси билан жаҳондаги ўта ноёб табиат обидалари сирасига киради.

— Қўриқхонанинг умумий майдони 26840 гектар бўлиб, унинг 22135 гектари ўрмон билан қопланган, — дейди Жиззах давлат педагогика институти кафедра мудири, биология фанлари доктори, профессор Умарқул Раҳмонқулов. — Ҳудуддаги тоғлар денгиз сатҳидан 3500 метргача баландликда бўлгани боис, бу ерда декабрь ойида ҳарорат 34-35 даражагача пасаяди.

Тоғ ёнбағирларида камёб сарв арча, ўрик арча, қора арчалар ўсади. Уларнинг атрофида Туркистон дўланаси, Федченко наъматаги, қорақанд, пуфанак, ирғий каби бута ва дарахтлар ҳам кўп.

Қўриқхона 81 йиллик фаолияти давомида баъзи раҳбарларнинг "ташаббуси" билан йўналишини ўзгартирди, ҳатто тугатилди ҳам. Масалан, ўтган асрнинг ўттизинчи йилларида қўриқхонадан халқ хўжалиги муаммоларини ҳал этишда фойдаланиш лозим, деб топилди ва Кўлсойдаги арчазорлар кесилиб, Зоминдаги қалам заводига жўнатилди. Орадан бир йил ўтиб, қўриқхонанинг 18 гектар майдони сим тўрлар билан ўралиб, 3 мингта қуён боқишга киришилди...

Истиқлол йилларида қўриқхона фаолияти тўлиқ қайта тикланди. Соҳага қаратилаётган эътибор, айниқса, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 7 октябрдаги "Зомин" давлат қўриқхонаси ҳудудини кенгайтириш ва уни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини кучайтиришга доир қарори боис бу борадаги ишлар жонлантириб юборилди.

— Натижада кейинги йилларда қўриқхона ҳудудида 59 оилага мансуб, 312 туркумга кирувчи 660 тур ўсимлик ўсиши аниқланди, — дейди суҳбатдошимиз. — Уларнинг 13 тури Ўзбекистон Республикаси "Қизил китоби"га киритилган. Шунингдек, бу ерда 119 хил доривор ўсимлик ҳам мавжуд.

"Зомин" қўриқхонаси табиий ёдгорликлари билан ҳам мутахассисларни ҳайратга солиб келаяпти. Қизилэтаксой майдонидаги баланд қизил қоя афсонавий, яъни шерсимон одамларга ўхшайди. Туралашсойдаги тошлар аждаҳо, йўлбарс ва бошқа ҳайвонларни эслатса, Катта арчали сойда "Сават кўтарган кампир"ни учратасиз, Туралашсойда эса "Тош куёв"га дуч келасиз.

Шу боис бу ерга келувчи сайёҳларнинг сони йил сайин ортиб бормоқда. Улар орасида Голландия, Португалия, Англия сингари чет эл мамлакатлари вакиллари ҳам борлиги эътиборга моликдир.

Баҳриддин САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Жараён

Табиатнинг ноёб ўсимлиги — женьшень ҳақида кўп эшитганмиз. Бухоро давлат университетининг биология кафедраси доценти Ж. Нажмиддиновнинг айтишича, Хитой, Корея ва Тибетда бу ўсимлик уруғидан кўпаяди. Жуда секин ўсади. Униб чиққач, бир неча ўн йилдан сўнг 4-5 та барг чиқаради. Маълумотларга қараганда, женьшень юз йил мобайнида ўсиши мумкин экан.

Ўзимизнинг женьшень

— Ҳозирги кунда женьшень махсус плантацияларда ўстирилмоқда, — дейди Ж. Нажмиддинов. — Унинг барглари сони илдизнинг ўлчамини аниқлаб беради. Силлиқ ва одам танасига ўхшашлик белгилари кўпроқ бўлган илдиз энг қимматбаҳо ҳисобланади.

Мутахассисларнинг фикрича, юртимизда ўсадиган ширинмия ўз хусусиятлари билан женьшенни эслатади. XVIII асрда яшаб ўтган халқ табиби Давоийнинг "Инсонга фойдали нарсалар" рисоласида ҳатто унинг ташналикни қондириш хусусиятига ҳам эгалиги қайд этилган.

Наботот

— Ширинмия ёки чучукмия номи билан халқ табобатида маълум бўлган бу ўсимликка қизиқиш бениҳоя катта бўлган, — дейди тарих фанлари номзоди Шодмон Ҳайитов. — Биз воҳамизнинг ўтган аср йигирманчи йилларидаги тарихини ўрганаётиб, бунга ишонч ҳосил қилдик. Гап шундаки, ўша даврда Германия билан савдо-сотиқ масалаларида ширинмия савдоси муҳим ўрин тутган. Бу давлатнинг "Шредер ва унинг шериклари" ҳамда "Германия — Қора денгиз" ширкатлари ана шу ўсимлик билан жиддий қизиқишгани ҳақида маълумотлар бор. "Бухоро ахбори" (ҳозирги "Бухоронома") газетасининг 1923 йил 23 сентябрь сонида воҳада "Ширинмия ширкати" тузилгани ҳақида хабар берилган. Ўша йилнинг охирларида ўн минг пуд миқдоридаги ширинмия Ботуми ва Астрахань портлари орқали Германияга жўнатилган. Германия саноатчилари ундан дори-дармон ишлаб чиқаришган. Улар шунингдек, воҳамиздаги "Ширинмия ширкати"нинг техник жиҳатдан қайта жиҳозланишига моддий ёрдам кўрсатишган...

Истам ИБРОҲИМОВ.

Овчи ўсимлик

Амударё соҳилларида ўсадиган "Альдрованда вескулоза" ваҳший ўсимлик номини олган. Чунки унинг япроғи марказида махсус суюқлик чиқарувчи безлар мавжуд бўлиб, унга қўнган ҳашарот ёпишиб қолади. Шунда барг четларидаги туклар "жонланиб", ўлжасини қуршаб олади. Сўнгра барглари ўзидан ҳазмловчи суюқлик чиқариб, "қурбони"ни ўзига сингдира бошлайди.

Олимларнинг хулосаларига қараганда, "Альдрованда вескулоза" ўсимлиги сув ҳавзаларида кўпайтириладиган бўлса, улар зарарли ҳашаротларни қиришга хизмат қилади.

Чироққа ҳожат йўқ

Шимолий Америкада "Дев дарахти" ўзидан шунчалик кўп ёғду чиқарадики, унинг ёруғида ҳатто қуюқ тунда ҳам китоб ўқиш мумкин. Мутахассислар бунинг сабабини дарахт пўстлоғида жуда кўп миқдорда фосфор борлиги билан изоҳлайдилар.

Ўкинг, кизик!



Антиқа кўпаядиган ризофора

Ризофора дарахти "тирик туғиш" хусусиятига эга. Гап шундаки, бу ўсимликнинг уруғлари мева ичидаёқ ўса бошлайди. Унинг узунлиги бир қулочгача етиши мумкин. Мева очилиб кетгач, ўсимта балчиққа ботиб қолади ва тез орада улкан дарахтга айланади.

Ҳинд оролларида ҳашаротхўр непентларнинг тропик намунаси учрайди. У хийла йирик бўлиб, дарахтларга чирмашиб олгач, чилвирсимон "тасмалари"ни сувга ташлайди.

Ҳашаротхўр непент

Эътиборлиси, ўсимталарнинг ичида кўзага ўхшаш мослама барглар мавжуд бўлиб, уларнинг турфа ранги ва ифори ҳашаротларни ўзига жалб этади. Кўзага тушган зараркунанда ўсимликда мавжуд бўлган шира воситасида "ҳазм қилиб" юборилади.

Маннон НАБИЕВ тўплади.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Барча турдаги коммунал хизматлари тўловларини қабул қилади Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! ТЕЛ.: 233-57-47. ФАКС: 236-09-21. САЙТ: WWW.POCHTA.UZ E-MAIL: DAO@POST.UZ

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 356. 46280 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — Ф. Санаев.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.20 Топширилди — 22.25 7